

ТЕЛЕГРАММА

Тошкент. Матбуотчилар кучаси 6 уй. Президент девонига. Президент Ислон Каримовга.
Нусхаси: Тошкент. Буюк Турон кучаси 41 уй. «Кадрият» газетаси бош мухарририга ва журналист Ортик Саидовга (тел:136-58-10; 136-55-56; 56-78-69)

Нусхаси: Тошкент. Мустакиллик майдони 6 уй. Олий Мажлис Сенат раиси Мурод Шарифхужаевга

Нусхаси: Тошкент. Юнус Ражабий кучаси 1 уй. «Постда» газетаси бош мухарририга

Нусхаси: Тошкент. Матбуотчилар кучаси 32 уй. «Кишлоқ хаёти» газетаси бош мухарририга

Нусхаси: Тошкент. Матбуотчилар кучаси 32 уй. «Халқ сузи» газетаси бош мухарририга

Нусхаси: Тошкент. Матбуотчилар кучаси 32 уй. «Ўзбекистон овози» газетасига

Нусхаси: Тошкент. Амир Тумур кучаси 2 уй. «Фидокор» газетаси бош мухарририга

Нусхаси: Тошкент. Матбуотчилар кучаси 32 уй. «Адолат» газетаси бош мухарририга

Нусхаси: Тошкент. Матбуотчилар кучаси 32 уй. «Миллий тикланиш» газетасига

Нусхаси: Тошкент. Навоий кучаси 16 уй. «Хуррият» газетаси бош мухарририга

Нусхаси: Тошкент. Навоий кучаси 65 уй. «Мохият» газетаси бош мухарририга

Нусхаси: Тошкент. Сайилгоҳ кучаси 5 уй. «Инсон ва конун» газетаси бош мухарририга

Нусхаси: Тошкент. Матбуотчилар кучаси 32 уй. «Махалла» газетаси бош мухарририга

Нусхаси: Тошкент. Академик Яхё Гуломов кучаси 66 уй. «Хуқуқ» газетаси бош мухарририга

Нусхаси: Тошкент. Б.Турон кучаси 41 уй. «Марказий Осиё маданияти» халқаро газетасига

Нусхаси: Тошкент. Навоий кучаси 69 уй. Республика Телерадиокомпаниясига

Нусхаси: Тошкент. Амир Темур кучаси 1 тор куча 2 уй. «Оила ва жамият» газетасига

Нусхаси: «ХХ1-аср» газетаси бош мухаррири Муродил Абдурахмоновга

Нусхаси: Тошкент. Навоий кучаси 30 уй. «Соглом авлод» газетаси бош мухарририга

Нусхаси: Тошкент. Буюк Турон кучаси 41-уй. «Саодат» журнали бош мухарририга

Нусхаси: Фаргона. Вилоят прокуратурасининг нашри «Адолат йули» газетасига

Нусхаси: Тошкент. Чилонзор д.Ц.Чупон ота кучаси 6 уй. «Хужалик ва ҳуқуқ» журналига

Нусхаси: Тошкент. Моварауннаҳр кучаси 6 уй. Республика Оксоқоллар Кенгаши

ва «Махалла» жамгармаси бошқаруви раҳбари Аъзамжон Гадойбоевга

Нусхаси: Тошкент. Президент девони. Республика Хотин-қизлар кенгашига

Нусхаси: Фаргона вилояти «Махалла» жамгармасининг раҳбари Толибжон Хафизовга

ФУКАРОЛИК ЖАМИЯТИ КУРИШНИ ИСТАМАСАНГИЗ, ИСТОВЧИЛАРГА ТУСКИНЛИК КИЛМАНГ.

21 июль 2005 йил.

«Фукараларимиз оддий ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилмасликларига Яна бир сабаб бор. Ўзбекчилик, юз-хотир, андиша деган тушунчалар мавжуд. Колаверса, «ёзгувчи», «игвогар», «жанжалкаш» деган номдан ҳазар қилишади. Уз ҳақ ҳуқуқини талаб қилиб тортишган инсонга қулманг. Ундан узингизни тортманг, Унинг учун уялманг, андиша қилманг. Аксинча, ундан урганг. У уз ҳаракати билан адолатсизликка, турачиликка, лоқайдликка мурасасизлик қияпти, ҳуқуқини талашаяпти, жамиятда конун устиворлиги, адолат мезони бузилмаслигига хисса қушяпти.

«Мохият» газетасининг 2003 йил 10 октябрь кунги 40-сонигаги Тошкент шаҳар Оксоқоллар Кенгаши ва «Махала» хайрия жамгармаси раисининг уринбосари, юридик фанлари номзоди, доцент Марат Гуломов ва Республика Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказининг булим бошлиғи, тарих фанлари номзоди Содик Муминовларнинг «ФУКАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ» номли мақоладан олинди.

Мухтарам хонимлар ва жаноблар!

Фаргона вилоятида тобора авж олиб кетаётган Коррупция жинояти ҳақидаги шошилинч хабарни «Фукаролик жамияти» Халқ ҳаракатининг 17 июнь кунги мурожаатнома қабул қилиниб 20 нафар фаоллари имзолаган юқорида номлари Бирма-бир тилга олинган матбуотлар, давлат ва нодавлат ташкилотларидан ташқари, Республика Вазирлар Маҳкамасига, Бош вазир Ш. Мирзиёевга, Республика бош прокуратурасига, Омбудсман Сайёра Рашидовага, Олий

Мажлиснинг Матбуот кумитасига, Республика Миллий Хавфсизлик Хизмати кумитасига, Парламент қошидаги ҳукумат комиссиясига, Республика Олий ҳужалик суди раисига, Республика Ички Ишлар Вазирлигига, Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув ҳужалиги вазирлигига, Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг узини узи бошқариш органлари кумитаси раиси Акмал Саидовга, Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси Марказий Кенгашига, «Фидокор» Миллий демократик партияси Марказий Кенгашига, «Адолат» социал демократик партияси Марказий Кенгашига, «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашига, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал демократик Партияси Марказий Кенгашига, Республика Адлия вазирлигига, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига, Фарғона вилоят прокуратурасига, Фарғона вилоят ҳокимиятига барча-барчасига буюртма хат орқали юборилганди. Ушбу муурожаатнома куйидаги жумлалар билан бошланганди:

«Республика «Мохият» газетасининг 2005 йил 3 июнь кунги 22-сонда журналист Кумуш Мирзакаримовнинг «Таассуф Яхшилик кулингдан келмаса, ёмонлик килма» рукни остида «ТАН ОЛИШ МАШАККАТИ» Фарғона вилоят прокурорининг собик уринбосари Маъруф Усмоновга» номли танкидий мақоласи Чоп этилди. Ушбу мақолада Фарғона вилоят прокурорининг собик уринбосари, Кукон шаҳар Ҳокими сенатор Маъруф Усмоновнинг жиноятлари ҳақида нафакат Фарғоналиклар, балким бутун бир Ўзбекистонликлар хабардор булган, уз вақтида Марказий матбуотларда Чоп этилган танкидий мақолаларида, фельетонларида ёзилган далиллар туплами баён килинган ҳолос...»

Ушбу муурожаатномада сенатор Ноъмонжон Омоновнинг давлат мулки ҳисобланмиш ерларни ҳаром бойлик орттириш мақсадида талон тарож килганлик фактлари, Олтиарик туманида яшовчи Х.Юсупов 2004 йил август ойида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёевга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Кодировга шикоят ариза ёзиб «Ўзбекистон» ширкат ҳужалигида текшириш утказиб ширкат ҳужалиги мансабдор шахслари томонидан амалга оширилаётган ноқонуний хатти-ҳаракатларга барҳам беришни сурагандан кейин Республика прокуратурасига юборилган хат Олтиарик туман прокуратурасидан прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга Қарши курашиш бўлимига 19 август кунги 1р-2004 сонли хат орқали юборилганлиги, ушбу ариза прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга Қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан урганиб чиқилган ва ширкат ҳужалигида текшириш утказишга руҳсат сураб 2004 йилнинг 23-август куни 12-1-264-сонли хат орқали Назорат килувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Фарғона вилоят ҳудудий комиссиясига муурожаат килинганлиги, Фарғона вилояти Олтиарик туманидаги «Ўзбекистон» ширкат ҳужалиги устидан Республика Бош Вазирига ёзилган шикоят хат юзасидан вилоят ҳокимлиги гуруҳ раҳбари И.Отаҳужаев, вилоят ҳокимлиги мутахассиси М.Ёкубов, Фарғона вилояти МЧЖ «Водий» аудиторлик ташкилоти аудитори Маъруф Абдурасуловлар томонидан текширишлар утказилганлиги, утказилган текшириш якуни буйича Фарғона вилояти МЧЖ «Водий» аудиторлик ташкилоти аудитори Маъруф Абдурасулов томонидан маълумотнома расмийлаштирилиб имзо чепкиб муҳр босилганлиги, Ушбу маълумотномада «Ўзбекистон» ширкат ҳужалиги раиси Ҳамдамов Расулнинг жиний кирдикорлари, давлат мулкининг жуда ката миқдорда талон-тарож килганлик ҳолатлари, текшириш натижалари буйича тузилган ва юқорида тулигича кучириб баён килинган маълумотнома вилоят ҳокимининг 2004 йил 2 сентябрь кунги рақамсиз курсатмасига асосан қонуний чора куриш учун вилоят прокуратурасига юборилган. Бу ҳақда булим бошлиги М.Баннопов Олтиарик туман прокурори Р.Қамоловга ва Х.Юсуповга 2004 йил 30 сентябрь кунги 12-1-300 – сонли алоқа хатида маълум килган булсада қонунбузар амалдорга унинг ҳомийси Ноъмонжон Омоновдан қурқиб ҳеч қандай чора курилмаганлиги баён килинганди.

Шунингдек Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2002 йил 5 февраль куни Халк депутатлари Фаргона вилоят Кенгашининг навбатдан ташкари 2-чакирик 1X сессияси булиб утди. Ушбу сессияда «Вилоятда конунчиликни мустахкамлаш, жиноятчиликка Карши курашни кучайтириш ва олдини олиш юзасидан» қарор қабул қилинди ва «Жамоат, нодавлат ташкилотлари ва узини узи бошқариш идоралари орқали жамоатчилик назоратини ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, уларда уз ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан даъвогарлик ҳиссини шакллантиришга оид» ҳаракат дастури тасдиқланиб кенг жамоатчилик уртасида муҳокама қилиниб Амалий иш бошланганлиги, бу ҳақдаги мақолаларни ва ҳаракат дастурини «Адолат йули» газетаси 2002 йил 1 март куни 395-сонда тулигича чоп этганлиги ҳам баён қилинганлиги, лекин Давлат раҳбари олиб бораётган сиёсатга зид равишда фаолият юритаётган **Олтиарик тумани Гайрат Кишлоқ фуқаролар йигини раисаси, депутат Холида Жабборова, маҳала фуқаролар йигини раиси Собир, маҳаллий депутат тадбиркор Зулфикаххор Мавлонов, «Эшонмахалла» маҳалласи посбони Аҳмад ва бошқа кимсаларнинг жиний қирдикорлари Бирма-бир баён қилинганди.**

Жумладан Холида Жабборова «Гайрат» қучаси 4 уйда яшовчи 4 нафар вояга етмаган гудакнинг онаси Охунжонова Ойдиной турмуш уртоғи Охунжонов Воҳиджонни маҳаллий депутат Зулфикаххор Мавлонов бошчилигидаги уюшган жиноятчилар томонидан аёвсиз қалтакланганлиги, ханузгача суд тиббий экспертизадан утқазилмаётганлиги ҳақида 2005 йил 18 май куни вилоятдаги барча маҳаллий ва маъмурий органлар раҳбарларига, жумладан Вилоят ИИБ бошлиғига, Фаргона вилоят ҳокимига, Вилоят прокурорига, Вилоят МХХ бошлиғига, Олтиарик туман ИИБга, Олтиарик туман ҳокими А.Абдуллаевга, Олтиарик туман прокурори Р.Қамоловга, Олтиарик туман МХХга, Маргилон шаҳар ИИБ бошлиғига шикоят аризаси ёзиб буюртма хат орқали юборганлиги учун унга тухмат уюштириб 27 май куни жиноятчи депутат Зулфикаххор Мавлоновга нисбатан товламачилик қилиб 5000 АҚШ доллари олганликда айблаб, Ойдинойни ёш гудак фарзандларини қаровсиз қолдириб 27 май куни кеч соат 17дан 28 май кеч соат 23гача вилоят Ички Ишлар бошқармасида гайриқонуний тарзда хибсда ушлаб турилишига, у ерда Ойдинойни коррупцияга Қарши курашиш бўлими ходимлари асосан Шухрат Қосимов томонидан бағоят шармсизларча ҳақоратланишларига, азобланишларига, химоя ҳуқуқидан маҳрум бўлишига сабабчи бўлди. Чунки Охунжонова Олтинойни турмуш уртоғи Охунжонов Воҳидни 15 май куни маҳаллий депутат Мавлонов Зулфикаххор бошчилигида 7 нафар кимсалар аёвсиз қалтаклаганликлари, юқорида номлари тилга олинган уюшган жиноятчилар уз жиноятларини хаспушаш ниятида ҳеч қандай жирқанчиқдан қайтмаганликлари ёзилганди.

Шунингдек «Ўзбекистон» ширкат ҳужалиги 287 контуридаги 7 гектар ер экин майдонини Х.Қараҳимовга 2001 йил 22 сентябрь кунидан 2010 йил 31 декабрь кунигача қадарли бириктириб берилганлиги ҳақидаги шартномага асосан давлатга пахта сотиш режасини бажариб қелаётган бу ижарачининг ерини Ноъмонжон Омонов томонидан гайриқонуний тортиб олинганлиги, бу факт бўйича манфаатдор шахс Ш.Қараҳимов судга жалб қилинмасдан Фаргона вилоят ҳужалиқ суди раиси уринбосари М.Обидов раислигида, прокурор Э.Ботиров иштирокида муҳокама қилиниб 2005 йил 22 март кунги 15-05-02\1502-сонли гайриқонуний ҳал қилув қарори чиқарилганлиги, Ушбу гайриқонуний ҳал қилув қарорини чиқаришда Ноъмонжон Омоновнинг фуқаро Қараҳимовга тегишли бўлган ерни Холиқул Аҳронқуловни тугилган кунига совға қилиб қарор чиқариб берганлиги юзасидан ёзилган аризаларга асосан Фаргона вилоят Адлия бошқармасининг 06 № 1876-сонли 2004 йил 6 сентябрь кунги тақдимномаси чиқарилганлигини била туриб Ушбу ҳужжатларни судга қақиртириб олишмаганлиги, агар қонуний ҳал этишдан манфаатдор бўлганларида Қараҳимовнинг бошқарувидаги ер ҳужалиқ суди ҳал қилув қарорида ёзилганидек тошқоқ ташландик эмас, балқим азалдан пахта топшириш бўйича давлатнинг маҳсус руйхатида турган экин майдони эканлигини

аниклаш имконига эга булганликлари, лекин хакикатни аниклашни истамаганликлари ёзилганди.

Бундан ташкари Азизбек исмли угли Фаргона шахридаги 10-сонли хибсхонада ишлаб, махбусларни аёвсиз калтакловчи вахший сифатида танилган Кургонча маҳала фукаролар йигини раиси Мирзабеков Мухтор 2003 йил 31 декабрь куни кеч соат 21ларда ута маст холатда уйдан милтик олиб чикиб Олтиарик тумани Фуркат кучасида яшовчи Мисиралиев Бахромжонга карашли хусусий магазин атрофидаги ёш ялангларни отиб улдириш билан куркитиб уларга милтик укталганлиги, отилган ук магазин светилниги ва эшиги устига текканлиги, йигитлар куркиб кочишганда у Яна бир марта ук отганлиги, маҳала фукаролар йигини раисининг ута хавфли жинояти хакида уша пайтдаёк барча маъмурий органларга ва маҳаллий хокимиятларга ёзма аризалар билан мурожаат килинганлиги, лекин унинг мушугини пишт дейдиган мард топилмаганлиги ёзилганди.

Ушбу мурожаатнома куйидаги фикрлар билан яқунланганди: «...Фикримизни якуни сифатида юкоридаги мурожаатномада баён килинган хар бир далил ва фактлар устида жиддий шугулланиб, Республика матбуотлари вакиллари журналистик суриштирувлар утказиб, натижаси юзасидан танкидий маколалар тайёрлаб, матбуотларда 27 июнь матбуот ходимлари байрами кунигача Чоп этишни талаб киламиз. Шунингдек Сенатор Ноъмонжон Омонов, унинг Олтиарикдаги кишлок хужалиги буйича давлатга улкан моддий ва маънавий, иктисодий зиён етказган уюшган жиноий шериклари Расул Хамдамов ва бошқалар, Аёл ва уз-узини бошқариш органи рахбари номига дог туширган Кишлок фукаролар йигини раиси Холида Жабборова ва маҳала фукаролар йигини раиси Собир, Вилоят ИИБ уюшган жиноятчиликка ва коррупцияга карши курашиш бошқармаси ходими, хакикий коррупционер Шухрат Косимов, Маргилон шахар ИИБ ходими Мамадиев Мирзохид, депутат Зулфикаххор Мавлонов, терговчи Комил Бойматов ва уларнинг шотирлари томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан кулимизда етарлича маълумотлар бор. Жиноят хакида берган Ушбу хабаримиз юзасидан хизмат текширувлари утказишни, жиноятлар содир этган ушбу амалдорларни барчасини зудлик билан эгаллаб турган вазифаларидан четлатишни, Зулфикаххор Мавлоновни депутатликдан чакириб олишни, уларга нисбатан утказиладиган хизмат текширувларига шахсан жалб этилишимизни катъий талаб киламиз ва текшириш жараёнларида асосли хужжатларни ошёвий далил сифатида текширувчиларга тақдим этамиз. Текширишлар давомида жиноятлар хакида берилган хабарлар, текшириш материаллари буйича чора куришни сураб топширилган маълумотномалар юзасидан чек кандай конуний чора курмаган амалдорлар, хусусан прокурорларга нисбатан конуний чора куришни талаб киламиз. Текширишлар якуни буйича барча коррупционер жиноятчиларига нисбатан амалдаги конунларга асосланиб жиноят иши кузгатишни, улар томонидан давлатга етказилган жуда ката суммаларни давлат фойдасига ундириб олишни катъий талаб киламиз.»

«Фукаролик жамияти» Халк харакати фаолларининг коррупция жинояти хакидаги хабари юзасидан тегишли органлардан турли жавоблар кела бошлаган бир пайтда «Кадрият» газетасининг мухбири Ортика Саидов каламига мансуб «КИЛИЧИДИН, НАЙЗАДИН БУХТОН ЁМОНДИР» номли бухтонларга, тухматларга йугрилган хакикатга зид булган далилларга таяниб Чоп этилган маколанинг ксеронусхаси кулимизга тушиб колди. Шундан сунг «Кадрият» мухбирига жавоб хати йуллашни ният килиб турган бир пайтимизда Ушбу маколада тухматчи, бухтончи ва бошка ута жиддий айблар билан хакоратланган Маъмиржон Мисиралиевнинг турмуш уртоги Азизахон Ортик Саидов номига хат ёзганлигини, юбормокчилигини айтди. Ушбу хат мантини Сизларни зхукмингизга хавола килишни лозим топдик.

«Кадрият» газетаси мудбири Ортик Саидовга.

Сузимни салом билан бошламадим. Чунки сиз саломга арзимайсиз. «Кадрият» газетасининг июль ойи сониде «Киличидин, найзадин бухтон ёмондир» сарловха остида

берилган мақолангизда (бу мақола учун канча пулга сотилганингиз яққол курсатиб турибди) «тухматчи» дея тилга олинган Мисралиев Маъмирхожиги берилган «сифатлар» аслида сиз ҳалол, ишбилармон деб таърифлаган Ҳамдамов Расул, Холида Жабборова, Мухтор Мирзабеков ва Мухаммадзулфикор Мавлоновларга тегишли. Аслида «Ўзбекистон» ширкат хужалигига келган текширувчилар ҳаммаси кузи қур, виждони, қалби қурум босган, виждонини пулга сотиб кетадиган, қорани оқ, оқни қора дейишиб бир нарсалик булиб қайтиб кетаверадиган қимсалардир. Сиз ҳам бу ишда иштирок этиб кетдингиз? Сиз мактаган «ҳалол» инсон Мухтор Мирзабеков сизни нимага сотилганингизни, қишлоқда овоза қилиб улгурди. «Қарга қаргани қузини чуқимайди», «Қур - қурни қоронғуда топибди» деган халқ мақоллари айнан сиз ва уша «ҳалол»лар учун айтилгандай. Мисралиев Маъмирхожи узи қим? «Утюралар» клуби номли инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиши ташкилотини фаол аъзоси, Нобель муқофотининг Номинанти, «Утюралар» клуби инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиши ташкилотининг раҳбари Муътабар Тожибоевнинг яқин сафдоши, маслақдоши.

Мақолангизда шундай жумла бор: «Биз шикоят хати муаллифи М.Мисралиев билан суҳбатлашмоқчи булиб, бир неча бор унинг уйига одам юборган эдик. У уйда булганлигига қарамай уч кун мобайнида ҳам хужалиқнинг бошқарув идорасига келмади». Мантиқсизликни қаранг. Шикоятчи айнан хужалиқнинг бошқарув раиси Расул Ҳамдамовнинг жиноий қирдикорлари ҳақида ёзган булса-да, нима учундир сиз биринчи булиб шикоятчининг уйига эмас, балким шикоятда жиноятлари ёзилган қимсаннинг ёнига борибсиз. Қизик, уч кун Расул Ҳамдамов билан нималар қилиб утирдиларинг. Маъмиржон Мисралиев уч кун ичида уйда булганлигини билибсиз, нима учун уйимизга тугридан-тугри қириб келмадингиз. Расул Ҳамдамовни «Мисралиевни уйига одам юбордик, уйда утирибди-ю, келмаяпти» деган гапига нечун осонгина ишондингиз. Ахир Расул Ҳамдамов уз жиноятларини қош қилиш учун Мисралиевни чақирмаслигини сезиш учун ута қучли ақл эгаси булиш шарт эмас-ку.

Сиз келган қунни кейин газетада фикрларини берган шерикларингиздан сураб-суриштирақ Сиз одам юбордик деган, лекин ҳеч Қим қонадонимга «Маъмиржон Мисралиевнинг ёзган шикоят аризасига биноан Журналист келди, қақираяпти» деб айтмаган қунлари, яъни сиз Расул Ҳамдамов билан оғиз-бурун упишиб юрган уша қунлари Мисралиев Маъмирхожи уйда эмас, Андижон вилояти Ҳужабод туман жиноят ишлари судида судланувчи Маҳмуджон Холиқбердиевнинг ҳуқуқ ва эркинликларини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиши ташкилотининг вақили сифатида ҳимоя қилаётган этди. Жамиятимизда учрайдиган ҳар қандай иллатларга қарши қурашувчи бу ташкилот фаолини номини булғаш, матбуотга олиб чиқилингиз сизга жуда қимматга тушади. Мисралиев Маъмирхожи устидан ёзган мақолангиз юзасидан «Қорага сотилган муқбир» номли мақола Қоп этишни Республика матбуотлари вақилларидан қатъий талаб қиламиз.

Яна мақолангиздаги жумлага қаранг. «Орамизда ҳалол меҳнати билан эл қорига яраётган тадбирқорларни, ишбилармонларни қурулмайдиған, уларни устидан ёзмаса қурулмайдиған баҳил қишиларни борлиги ақинарли» Сиз таърифлаётган уша ишбилармонлар аслида жамият бошига тушган қуртлардир. Уларни давлатга, халққа етқазайтган зарарларни ҳисобласа йиллар қамлик қилади. Мирзабеков Мухтор «қомий»лари билан тил бириқтириб «Қургонча» маҳалла ақолисидан светга, газга деб 300 хужалиқдан 1000-2000 минг сумдан пул йигиб шахсий манфаати учун узлаштириб юборди. Қам таъминланган, ночор оилаларга давлат томонидан берилдиған моддий ёрдам пулларини узига тук оилаларга, узига қарашлиларга расмийлштириб жиноятлар содир этмоқда. Қулимизда бу ҳақда етарли маълумотлар бор. Мухаммадзулфикор Мавлонов ва қишлоқ фуқаролар йигини раисаси Холида Жабборовалар (аёл қиши булатуриб) узаро жиноий тил бириқтириб 4 фарзанднинг онаси Оқунжоновна Ойдинойни қулига пул ушлатиб уша пайтни узиди видео қассетага тасвирлаб «қора олаётганда ушланди» деб туҳмат уюштириб 2 қун ҳеч қимга билдирмай, хатто оиласига ҳабар

бермай, хотирасини йукотадиган дори кушилган сув ичкизишиб камокда ушланиб турилишига, хукуки паймол булишига сабабчи булдилар. Бу жиноят тугрисида юкори ташкилотга хабар берганлиги учун улар Мисралиев Маъмирхожигга атайлаб нотугри «таъриф» берилган. Сизни кандай йул билан булмасин аризачи билан учрашингиз шарт эди.

Чунки Сизнинг хамкасабангиз, сиз каби кингир ишлар устаси булган Фаргона вилоят прокуратурасининг нашри хисобланмиш «Адолат йули» газетасининг бош мухаррири, Сизга узини халоли пок инсон килиб курсатган, аслида давлат мулкини умарганлиги учун 7 йил камалиб чиккан, урушга бориб курашганлиги хеч каерда исботланмаган Холикул Ахронкуловнинг жияни, Холида Жабборованинг турмуш уртоги Алишер Ибодинов хам Сиз каби коррупциянинг кугирчоги эканлиги боис 2003 йил 2 август кунги «Адолат йули» газетасида Чоп этилган «МЕРОС МОЖОРОСИ МУТТАСИЛМИ?» номли хакикатга тугри келмайдиган макола Чоп этганлиги учун суд оркали жавобгар булган булсада, уз кирдикорларини давом эттириб, Риштон туманлараро фукаролик судининг судьялари Хамидулло Тухташев ва Ориф Ишматовларнинг жиноий кирдикорлари фош булиб уларни муддатидан илгари судьялик лавозимидан четлатилилишига сабаб булган мулк можороси буйича 2005 йил 15 апрель куни хакикатга тугри келмайдиган, даъвогар Мирзахалим Косимов хак эканлиги исботланиб турган бир пайтда уни шаъни, кадр кимматини хакоратловчи «ЖИГАРИМДАН КЕЧМАЙМАН, ЛЕКИН...» номли маколасини Чоп этди.

Бугун эса Фукаролик ишлари буйича Узбекистон туманлараро фукаролик судида даъвогар Хуршида Мелиевани «Адолат йули» газетасини ва Фаргона вилоят прокуратураси вакиллари Мухаммаджон Абдуллажонов ва Р.Абрурахимовларни узини Бадном килувчи, шаън, кадр-киммат ва ишчанлик обр-эътиборни хакоратловчи, хакикатга тугри келмайдиган маълумотлар таркатганлик учун рад этиш ва хакикатга тугри келмайдиган, кадр-кимматни ерга урувчи, ишчанлик обрусига путур етказувчи маълумотларни матбуотда ва хизмат хужжатларида ёзиб таркатганлик, конституция Билан белгиланган хукук ва эркинликларни бузганлиги оркасидан етказилган маънавий зарар 100 миллион (юз миллион) Сум ва етказилган моддий зарарни ундириш хакидаги даъво аризаси судда куриш бошланди.

Тез кунларда газетангиз оркали чикиш килиб ушбу маколангиз учун кечирим сураб, хатога йул куйганигизни тан олмасангиз, бошингизга шундай кун тушадик, унда жуда кеч булади. Кур-курона, бир ёкламали, бухтондан иборат бу маколангиз учун, Мисралиев Маъмиржонга етказилган маънавий зарар учун сизни инсон хукукларини химоя килиш ташкилоти номидан, шахсан Маъмиржон номидан судга берамиз. Президент девонига, БМТ га ва чет эл журналистларига сизни товламачилигингиз, порага сотилганингиз, виждонсиз одамларни гапини маъкул топиб Маъмиржон хакида ёзган номакбул сузларингиз, шундай ёлгон материал туплаб матбуотга яъни, 4-хокимятни халк орасида обрусини туширганингиз, матбуотга булган ишончни йукотганингиз учун одил суд олдида жавоб берасиз. Юкоридаги хадисдан келтирган намунангиз аслида узингизга тегишли. Ушбу ёлгон маълумотингиз учун судда жавоб берасиз, лекин охиратдаги жавоб беришни уйладингизми? Сиз учун сунгги имконият бор. Газетангиз оркали чикиш килиб, адашганингизни тан олиб газетахонлардан, шахсан Мисралиев Маъмирхожидан кечирим сурамасангиз, сизни умуман матбуотга якинлаштирмаслик учун хамма ишни килишга тайёрмиз. Азиза Мисиралиева».

**ФАРГОНА ВИЛОЯТИ МАРГИЛОН ШАХРИ ЗУХРО КУЧАСИ 31
УЙ 31-ХОНАДОНДА ЖОЙЛАШГАН «ФУКАРОЛИК ЖАМИЯТИ»
ХАЛК ХАРАКАТИНИНГ ОЛТИАРИКЛИК ФАОЛЛАРИ ВА
ЖАБРДИЙЛАРАР НОМИДАН:**

Гулчехра Ахмадалиева, Валишер Юлдашев, Солижон Бовгонов,
Шакархон Марахимова, Ойдиной Охунжонова, Вохид Охунжонов,
Мирзахалим Косимов, Саодат Хасанова, Маъмиржон Мисиралиев.

(Handwritten signatures and names)